

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ВА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНИ
ЎРГАНИШ ICESCO КАФЕДРАСИ

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИСЛОМНИ
ТУШУНИШ МУАММОЛАРИ

МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

Тошкент – 2022

Глобаллашув жараёнида исломни тушуниш муаммолари: халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: 2022 й.

Масъул муҳаррирлар
Фил.ф.д., проф. З.М.Исломов исл.ф. PhD М.М.Ҳайдаров

Таҳрир хайъати аъзолари:
ю.ф.д., доц. Н.Юсупова, т.ф.н., доц. М.Исмоилов, т.ф.н., доц. С.Окилов, PhD доц. Ҳ.Сағдиев, т.ф.н., доц. Д.Раҳимжонов, т.ф.н., доц. Д.Муратов, PhD Ў.Полвонов, PhD Н.Тўраев, PhD А.Тожиев, PhD Н.Мирзаев, катта ўқитувчилар С.Саиджалолов, М.Агзамова, ўқитувчи А.Қамбаров, Н.Ҳакимова, Н.Тўйчиева

Тузувчи:
ю.ф.д., доц. Н.Юсупова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режаси тўғрисида”ги 2021 йил 2 мартдаги 78-ф-сон фармойиши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Вазирлик тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 2021 йилда ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 6 мартдаги 122-сон буйруғи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 11 мартдаги 02-03/1530-сонли хати ва Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректорининг 2021 йил 17 мартдаги “2021 йил республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 01-101-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 3 ноябрда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “**Глобаллашув жараёнида исломни тушуниш муаммолари**” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Мазкур тўплам ушбу анжуман материалларини ўз ичига олган.

Тўпламга киритилган материалларда келтирилган факт, рақам ва маълумотлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 25.02.2022 йилдаги 03-07/ 1293-сон хулосасига асосан тайёрланди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Ўқув-услубий кенгашининг 2021 йил 27 декабрдаги мажлиси 7-сонли баённомаси асосида нашрга тавсия этилди.

62. <i>Д. Муратов</i> Саҳобалар томонидан ёзилган саҳифалар.....	237
63. <i>М. Жалолдинова</i> "Саҳиҳ ал-Бухорий" асарида ижтимоий ҳимояга оид ҳадислар.....	241
64. <i>М. Хайдаров</i> Муслмон жамиятларида оилавий муносабатлардаги муаммолар: сабаб ва ечимлар.....	246
65. <i>З. Раҳманкулов</i> Особенности исламского права в послаблении религиозных обязанностей на примере путника.....	248
66. <i>А. Шаязданов</i> Основы божественного наставления.....	251
67. <i>М. Жўраева</i> "Табақот ас-санийя" асарининг таркибий тузилиши ва мазмуни.....	255
68. <i>И. Бекмирзаев</i> X-XIII асрлар Мовароуннаҳр қозихоналари фаолиятида амалда бўлган юридик ҳужжат турлари.....	259
69. <i>А. Шаязданов</i> Общее представление о чудесах корана.....	263
70. <i>З. Жўраев</i> «Дурар ус-сулук фи сиёсат ил-мулук» асари сиёсатшуносликка оид илк муҳим манба (X – XI асрлар).....	268
71. <i>С. Во'таев</i> Tuluniylar sulolasi hukmronligi davrida misrda ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarning o'rni.....	273

"BOOK MEDIA PLUS" xususiy korxonasida tayyorlandi.
 Manzil: Toshkent, Chilonzor tumani, Cho'pon ota ko'chasi, 28-B uy.

эттирган. Асар икки юз саккизта (208та) бобдан иборат бўлиб, ундаги илк “назоир” сўз “ал-худа”, охиргиси эса “ал-ҳарб” сўзидир. Ҳ.Зомин ушбу асарда ҳам сўзлар алифбо тартибида бўлмагани учун муайян қатъий йўналиш йўқ, муаллифнинг асарни тузишдаги ёндошуви, йигирма тўртта янги сўзни қўшганини ҳисобга олмаса, Муқотил ибн Сулаймоннинг йўлига деярли тўла мос келади, деган фикрни айтган. Нашр Ирландия пойтахти Дублиндаги Честер Битти кутубхонаси фаондида сақланаётган 3334 рақамли қўлёзма асосида тайёрланган.

“ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръони-л-карим” Ҳорун ибн Мусонинг ўғли Абдуллоҳ ибн Ҳорун томонидан ривоят йўлида етиб келгани учун бошланғич қисмда асарнинг санади келтирилган. Сўзларнинг жойлашув тартиби Муқотил ибн Сулаймон тартибига яқин, лекин бир хил эмас.

Ҳ.Зомин мазкур асар ўзидан кейин ёзилган асарларга катта таъсир кўрсатгани қайд этиб, унга суяниб яратилган китоблар қаторида Яҳё ибн Саломнинг “ат-Тасориф” ҳамда Ҳаким Термизийнинг “Таҳсил назоир ал-Қуръон”, Ибн Имоднинг “Кашф ас-сароир” асарларини зикр этиб ўтади. У ўз сўзларининг исботи сифатида мазкур муаллифлар асарлари Ҳорун ибн Мусо жорий қилган тартибга асосланганини келтиради, аммо учала асарда ҳам на Ҳорунга, на унинг асарига ишора борлигидан ажабланади. Ҳ.Зомин кириш қисмида Ҳорун ибн Мусо тартибда Муқотил ибн Сулаймонга эргашганини айта туриб, сўнгра айни тартибни Ҳоруннинг ўзи жорий қилган, деган хулосасининг ўзи ажабланарли. Ушбу олимлар “вужух ва назоир” илмида Ҳаким Термизийнинг ўтмишдошлари ҳисобланади ва айни тартиб унинг “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарига ҳам асос бўлган.

МУРАТОВ Д.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, т.ф.н., доц.

САҲОБАЛАР ТОМОНИДАН ЁЗИЛГАН САҲИФАЛАР

Пайғамбар (с.а.в.) исломни олиб келгандан кейин кишиларни саводли қилишга аҳамият бердилар. Саҳобийларни, айниқса улар орасидаги ёшларни саводини чиқаришига эътибор билан тарғиб қилганлар. Ёзишни биландиган саҳобийлар Расулуллоҳ (с.а.в.)дан эшитган нарсаларини ёзишга ҳам ҳаракат қилганлар ва ўзлари учун керакли деб билганларини саҳифаларга ёзиб борганлар.

Араб тилида саҳифа сўзи қоғоз маъносини билдириб, айрим саҳобийлар томонидан ҳадислар ёзилган варақларни тушунилади. Саҳифалар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хос котибларида бўлиб, ўша вақтда кўпчилик орасида тарқалмаган ҳамда умумий тадвин қилинмаган. Жобир ибн Абдуллоҳ, Саъд ибн Убода, Самрат ибн Жундуб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос каби саҳобийларнинг ҳадислар ёзилган саҳифалари мавжуд бўлган.

Булардан ташқари, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг турли жойлардаги кишиларга ёзган хатлари ҳам ҳадислардан иборат. Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида ҳадисларни куйидаги саҳобалар ёзиб борган:

Абу Бакр Сиддик (р.а.) (ваф. 13/634 й.), Умар ибн Хаттоб (р.а.) (ваф. 23/644 й.), Усмон ибн Аффон (р.а.) (ваф. 35/655 й.), Али ибн Абу Толиб (р.а.) (ваф. 40/661 й.), Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.) (ваф. 63/683 й.), Абу Ҳурайра Давсий (р.а.) (ваф. 59/679 й.), Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) (ваф. 68/687 й.), Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) (ваф. 78/697 й.), Самура ибн Жундуб (р.а.) (ваф. 58/678 й.), Анас ибн Молик (р.а.) (ваф. 93/712 й.), Саъд ибн Убода Ансорий (р.а.) (ваф. 15/636 й.).

Умуман ҳадисни қайд этиб борган саҳобалар:

Абу Айюб Ансорий (р.а.) (ваф. 50/670 й.), Абу Бакра Сакафий (р.а.) (ваф. 50/670 й.), Абу Рофе Расулуллоҳнинг (с.а.в.) мавлоси. Исмини Иброҳим (р.а.) дейилади, Абу Райҳона Аздий (р.а.), Абу Саид Худрий (р.а.) (ваф. 63/683 й.), Абу Мусо Ашъарий (р.а.) (ваф. 42/662 й.), Убай ибн Каъб (р.а.) (ваф. 30/651 й.), Усайд ибн Ҳузайр (р.а.) (ваф. 20/641 й.), Баро ибн Озиб (р.а.) (ваф. 71/690 й.), Жобир ибн Смура (р.а.) (ваф. 76/695 й.), Жарир ибн Абдуллоҳ (р.а.) (ваф. 51/671 й.), Ҳасан ибн Али (р.а.) (ваф. 49/669 й.), Рофе ибн Хадиж Ансорий (р.а.) (ваф. 74/693 й.), Зайд ибн Арқам (р.а.) (ваф. 68/687 й.), Зайд ибн Собит (р.а.) (ваф. 45/665 й.), Салмон Форисий (р.а.) (ваф. 35/656 й.), Заҳҳок ибн Суфён Килобий (р.а.) (ваф. 11/632 й.), Заҳҳок ибн Қайс (р.а.) (ваф. 64/684 й.), Абдурахмон ибн Оиз (р.а.), Абдурахмон ибн Авфо (р.а.) (ваф. 86/705 й.), Абдуллоҳ ибн Зубайр (р.а.) (ваф. 73/692 й.), Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) (ваф. 73/692 й.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) (ваф. 32/653 й.), Амр ибн Ҳазм Ансорий (р.а.) (ваф. 51/671 й.), Муҳаммад ибн Маслама (р.а.) (ваф. 43/663 й.), Муоз ибн Жабал (р.а.) (ваф. 17/638 й.), Муовия ибн Абу Суфён (р.а.) (ваф. 60/680 й.), Муғийра ибн Шувба (р.а.) (ваф. 50/670 й.), Нуъмон ибн Башир (р.а.) (ваф. 64/684 й.), Восила ибн Аска (р.а.) (ваф. 83/702 й.).

Ҳадис ёзиб борган саҳобия аёлларга куйидагилар киради:

Асмо бинт Умайш (р.а.) (ваф. 40/660 й.), Сабиа Асламийя (р.а.); 3. Оиша бинт Абу Бакр Сиддик (р.а.) (ваф. 58/678 й.), Фотима бинт Қайс (р.а.) (ваф. 50/670 й.), Фотима бинт Муҳаммад (р.а.) (ваф. 11/632 й.).

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс (р.а.)нинг (ваф. 65/684 й.) «Ас-Саҳифа ас-содика» номи остидаги саҳифалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу Расулуллоҳ (с.а.в.) даврида ёзилган машҳур саҳифалардан бири ҳисобланади. Абдуллоҳ ибн Амр: Расулуллоҳдан (с.а.в.) эшитган ҳар бир ҳадисни ёдлаш учун ёзиб юрар эдим. Қурайшликлар, қандай қилиб Расулуллоҳдан (с.а.в.) эшитган ҳадисни ёзасан, у киши инсон бўлса, хурсанд бўлганда ҳам, хафа бўлганда ҳам гапиради, деб мени ёзишдан қайтаришди. Ёзишни тўхтатдим ва бу ҳақда

Расулуллоҳга (с.а.в.) айтганимда у зот: «Ёзавер, нафсим кўлида бўлган Зотга қасамки, мендан ҳақиқатдан бошқа нарса чиқмайди», дедилар, деди (Доримий, Аҳмад).

Шунингдек, Абу Ҳурайра (р.а.) ҳам келтирилган бу маълумотни таъкидлайди: «Мендан бошқа Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадисларини яхши биладиган киши йўқ, фақат Абдуллоҳ ибн Амр бундан мустасно. У кўли билан ёзиб, қалби билан ёдларди, мен қалбим билан ёдлаб, кўлим билан ёзмасдим. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга ёзишга изн берганлар», деган (Аҳмад).

Абдуллоҳ (р.а.): «Биз Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида айтганларини ёзиб олар эдик», деган. Бу саҳобаларнинг Расулуллоҳнинг (с.а.в.) айтган ҳадисларини ёзганларига далил бўлади. Мужоҳиддан ривоят қилинишича, Абдуллоҳ ибн Амр олдида саҳифани кўриб у ҳақда сўрадим. У: «Бу содиқади (ҳаққоний саҳифа), унда Расулуллоҳдан (с.а.в.) эшитганим ҳадислар ёзилган бўлиб, орамизда ҳеч ким (бирорта ровий) йўқ», деган. Абдуллоҳ ибн Амр: «Дунёда менга икки хислат рағбат уйғотади: Содиқа (саҳифа) ва Ваҳта. Содиқа Расулуллоҳдан (с.а.в.) ёзганларим, Ваҳта эса, садақа қилинган эр бўлиб, Амр ибн Осс ишлаган (Доримий).

Олимлар бу саҳифанинг тарихий аҳамиятини Расулуллоҳнинг (с.а.в.) олдиларида, ўзларининг рухсатлари билан ёзилганини эътиборга олган ҳолда юксак баҳолаганлар. Ибн Асирнинг қайд этишича, ушбу саҳифада мингта ҳадис ўрин олган. Агар бу саҳифанинг ўзи бизга этиб келмаганда унинг мавзуси этиб келган бўларди, чунки у Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида сақланган. Шунингдек, олимлар Абдуллоҳга рухсат берилишининг сабаби, унинг сурёний ва араб тилини билишини, хатога йўл қўймаганини сабаб қилиб келтирадилар. Кейинчалик Абдуллоҳнинг невараси Амр ибн Шуайб мазкур саҳифадан ҳадис ривоят қилгани манбаларда қайд этилган. Тобейй Мужоҳид ушбу саҳифага иштиёқи баланд бўлгани ва Абдуллоҳ ибн Амрнинг (р.а.) олдида кўрганини кўп такрорлаган.

Ҳаммом ибн Мунаббихнинг (ваф. 131/748 й.) «Ас-Саҳифа ас-саҳиҳа»си. Ҳаммом ибн Мунаббих олим тобеййлардан бири бўлиб, у саҳобий Абу Ҳурайра билан учрашган ва ундан кўплаб ҳадислар ёзиб олган. Бу ҳадисларни жамлаб, уни «ас-Саҳифа ас-саҳиҳа» деб номлайди. Буни Имом Аҳмад «Муснад»ида тўлиқ ҳолда нақл қилган. Имом Бухорий ҳам ундан кўплаб ҳадислар келтирган. Бу саҳифа катта аҳамият касб этиб, илк ислом даврида ҳадислар ёзилганига ёрқин ҳужжат-далил бўла олади. Саййид Абдулможиднинг айтишича, Доктор Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Ҳайдарободий бу асарнинг икки нусхасини аниқлаб, бу асар бизгача тўлиқ этиб келганини тасдиқлаган.

Жобир ибн Абдуллоҳнинг (р.а.) (ваф. 78/697 й.) «Саҳифа»си. Жобир (р.а.) ўз замонасида Мадина муфтийси ва фақиҳи бўлган. Бу саҳифа бир жуздан

иборат. Жобир (р.а.) набавий масжидда ҳадис толиблари учун ҳалқа ташкил қилиб, кўплаб катта тобеййлар ундан ҳадис ёзиб олганлар. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Жобирнинг (р.а.) бу саҳифаси тобеййлар орасида тарқалиб, ундан ёзиб олганлар.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) (ваф. 68/687 й.) «Саҳифалар»и. Олимларнинг қайд этишича, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг (р.а.) бир қанча саҳифалари мавжуд. Имом Заҳабийнинг айтишича, қариб кўзи кўрмайдиган бўлиб қолганда, тобеййлар ўша саҳифалардан (тахтачалар) ўкиб бериб туришган. У вафот этгандан кейин ўғли Али отасининг мавлоси Курайбдан ҳадислар керак бўлганда саҳифани сўраб олиб нусха кўчириб қайтариб берган.

Амр ибн Ҳазм Ансорийнинг (р.а.) (ваф. 51/671 й.) «Саҳифас»и. Муҳаддис ва фақиҳлар Амр ибн Ҳазм Ансорийнинг (р.а.) машҳур саҳифасига қаттиқ эҳтиром кўрсатиб, ҳатто уни саҳифа эмас, китоб деб номлаганлар. Ақром Зиё Умарийнинг айтишича, бу саҳифадан тўрт мазҳаб имомлари ҳам нусха кўчириб фойдаланганлар.

Анас ибн Моликнинг ҳам ёзиб юрган саҳифалари бўлган. Чунки бу киши ўн ёшидан бошлаб Расулуллоҳга (с.а.в.) хизмат қилган ва ўз қўли билан ҳадисларни ёзиб юрганига шубҳа йўқ. Барча шогирдлари катори фарзандлари – Мусо, Назр ва Абдуллоҳдан ҳам ёзишни талаб қилган. Бу кишида саҳифа бўлганини шогирди Хубайра ибн Абдурахмон шундай деб келтиради: «Агар Анас ибн Моликдан (р.а.) кўп ҳадис сўрасак, бизга халта олиб чиқар ва бу Расулуллоҳдан (с.а.в.) ёзиб олган ҳадисларим, деб жавоб берарди», деган. Анас ибн Молик ҳар қачон талабалари олдига ҳадисни ёздириш учун чиққанда одатига кўра, бу китоблар шундай китобларки, унда Набийдан (с.а.в.) эшитганларим бор. Бу китобларнинг барчасини сизларга дарс қилишингиз ва унга диққат-еътибор кўрсатишингиз учун бераман, дер эди.

Саъд ибн Убоданинг (р.а.) (ваф. 15/636 й.) «Саҳифа»си. Исломдан олдин ҳам ёзишни билган бу саҳобанинг ўз саҳифаси бўлган. Олимларнинг айтиши бўйича саҳифани оиласи ўз бисотида сақлаб юрган.

Булардан ташқари, Самура ибн Жундубнинг (р.а.) (ваф. 60/680 й.) Ибн Ҳажарнинг айтиши бўйича «Рисола», Ибн Саъд «Табақотида» айтишича «Китоб»и, ғарб олими И. Голдсиернинг айтишича, «Саҳифа»си бўлган. Бунинг ўғлига қолдирган бўлиб, уни Ҳасан Басрий ҳам кўрган. Абдуллоҳ ибн Масъуднинг (р.а.) ўғлига қолдирган ёзувлари, Муоз ибн Жабалнинг Яманга Расулуллоҳнинг (с.а.в.) топшириқларига биноан кетаётганда ўзи билан олган ҳадислар ёзилган китобилари бўлган.

Шунингдек, баъзи олимлар томонидан тасдиқланган фикрларга кўра, бошқа саҳобаларда ҳам ҳадислар ёзилган саҳифалар бўлган. Улардан, Набит ибн Шарит Абу Салама Ашжаий Куфийнинг саҳифалари бўлган, бунинг Ақром

Зиё Умарий «Бухус фи тарих ас-сунна» асарида келтиради. Абдуллоҳ ибн Абу Авфонинг (ваф. 80/996 й.) саҳифалари, бу ҳақда имом Бухорий маълумот берган. Абу Мусо Ашъарий, Саъд ибн Убода, Каъб ибн Амр ибн Убод Абу Юср Суламий (ваф. 55/675 й.), Муҳаммад ибн Маслама, Абу Рофе каби саҳобаларнинг саҳифалари бўлган.

Саҳобалар даврида ҳадис ёзилгани тўғрисида қуйидаги олимларнинг асарларидан тўлиқроқ маълумот олиш мумкин. Улар: 1. Доктор Муҳаммад Мустафо Аъзамийнинг «Диросот фи ал-ҳадис ан-Набавий»; 2. Доктор Сожид ар-Раҳмон Сиддикийнинг «Китобат ал-ҳадис би ақлам ас-саҳоба».

Хулоса қилиб айтганда ҳадисларни ёзиш ишлари саҳобийлар давридаёқ муҳим аҳамият касб этган ва уларни ёзиб борганлар ўзларига муҳим деб билганларини қайд қилишга эътибор берганлар. Шу билан бирга Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотларидан кейин саҳобийлар ўзларининг ҳадислар ёзган саҳифаларини тобиийларга ўқиб берганлар.

ЖАЛОЛДИНОВА М.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

САҲИҲУЛ БУХОРИЙ АСАРИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ОИД КЕЛГАН ҲАДИСЛАР

Инсониятнинг ижтимоийлашув жараёни ҳаётий эҳтиёж ҳисобланиб, давлатнинг асосий бўғини ҳисобланган жамиятнинг фаровон ва барқарор ривожига аъзоларининг ўзаро ҳамжихатлик, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкам муносабатлари орқали юзага чиқади.

Жамият қатламлари орасида ўзига хос бир қатлами борки, уларга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан кўпроқ эътибор бериш зарур ҳисобланади. Ёрдамга муҳтож инсонларга кўмак бериш умумий қилиб “ижтимоий ҳимоя” деб аталади. Исломдаги ижтимоий ҳимоя ҳам алоҳида эътибор қаратилган муҳим қисмлардан бири бўлиб, у фақат моддийлик билан чекланиб қолмайди, балки руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам назарда тутди.

Маълумки, илк ислом даврларида ушбу масалага катта эътибор қаратилган. Ижтимоий ҳимоя тамойилларига: силайи раҳм, садақа, закот, нафақа, ўзаро меҳр-шафқат кўрсатиш кабилар киради. Бу каби сифатлар асрлар мобайнида халқимизнинг қон-қонига сингиб, қадриятларимиз қаторидан ўрин олган. Уларни янада чуқурроқ ўрганиш ва ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Ислом ҳуқуқида ижтимоий ҳимоя мавзусини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган ҳадислар бўлиб, бунда ҳадис илмининг султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Саҳиҳул Бухорий” асари муҳим аҳамиятга эга. Бу асар нафақат ибодат, эътикод, сийрат, ахлоқга оид мавзулар бирга инсонларни ўзаро ижтимоий муносабатлари ҳақидаги ҳадиси